


XIII
637
Отдел классного
абонемента

Соибжон Бегматов



ОРИФХОН
ҲОТАМОВ

III
537
Отдел классного
абонемента

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ
УСЛУБИЯТ ВА АХБОРОТ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

Соибжон Бегматов

ОРИФХОН ҲОТАМОВ

(Ўзбекистон халқ ҳофизи, бастакор)



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2000

Ушбу китоб замонавий бастакорларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи асар бўлиб, замонамизнинг йирик бастакорларидан бири Орифхон Ҳотамов фаолияти билан яқиндан танишишга имкон беради. Китоб илмий-бадиий услубга баён этилган. мусиқа ва санъат касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий мусиқа тизимларида таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган. Унда бастакорнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ маълумотлар берилган. Шунингдек, яратган асарларидан 16 кўшиқни нота намунаси келтирилган.

Ўқув-қўлланма М.Ашрафий номидagi Тошкент Давлат консерваториясининг илмий-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Ботир Матёқубов Ўзбекистон Республикаси Мага-
ният ишлари вазирлиги,
Истиқболни белгилаш, услубият
ва ахборот Республика Маркази
директори, санъатшунослик
фанлари номзоди.

Мусиқа муҳаррири:

Рифателла Қосимов М.Ашрафий номидagi Тошкент
давлат консерваторияси, анъана-
вий ижрочилик кафедрасининг
муdiri, доцент.

Тақризчилар:

Абдуҳошим Исмоилов: Ўзбекистон халқ артисти,
Ю.Ражабий номидagi мақом ан-
ансамблининг бадиий раҳбари,
бастакор.

Машраб Эрматов:

М.Ашрафий номидagi Тошкент
давлат консерваторияси, анъана-
вий ижрочилик кафедрасининг
капта ўқитувчиси, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган артист.

ISBN 5-633-01153-8

Соибжон Бегматов. «Орифхон Ҳотамов».
«Янги аср авлоди», 2000

Муаллифдан

Халқ ижодиёти улкан уммондир. У доимо ижодкор аҳлининг маҳсули билан бойиб, мунтазам улканлашиб бораверади. Зотан, бу уммон таркибидан жой оладиган ҳар бир намуна ўзининг сиру-синаотлари, миллий анъаналар, миллий руҳият ва миллий қадриятлар билан суғорилиш мезони билан изоҳланади. Ўзбек миллий мусиқаси ва адабиётининг шакл-ланиб ривожланишидаги асосий пойдевори ҳам шундадир. Қайси-ки, истеъдод эгаси миллий анъаналарга асосланган ҳолда ижод қилар экан, яратган асарлари миллий мадания-тимиз равнақидаги ёрқин намуналар сифатида муҳрланади. Даврлар ўтиши давомида эса, улар, авлоддан-авлодга ўтиб, улкан уммон таркибидан жой олади ва меросга айланади. Замонамизнинг отахон ҳофизларидан бири, таниқли бастакор, Орифхон Ҳотамов ҳам ана шундай ижодкорлардан ҳи-собланади.

Орифхон Ҳотамов — Ўзбекистон халқ ҳофизи, забардаст бастакор, ўзбек мумтоз мусиқа ижрочилигида ўзига хос ижрочилик мактабини яратишга эришган, мусиқа меросимиз хазинасини 500 дан ортиқ мумтоз услубдаги ашулалар билан бойитган асримизнинг устоз санъаткорларидандир.

Маълумки, ўзбек мумтоз мусиқа санъати ўтмиш хонандаю созанда ва бастакорларнинг ижодий маҳсули. XX асрда ана шундай шарафли ижодиётни бир қатор устоз санъаткорлар давом эттирганлар. Жумладан, К. Жабборов, Ж. Султонов, Ф. Содиқов, Т. Жалилов, Н. Ҳасанов, И. Икромов, Ғ. Тошматов, М. Мургазов, Ю. Ражабий, Ф. Мамадалиев, М. Мухамедов, О. Ҳотамов каби давримиз санъаткорларининг номларини шараф билан тилга олиш жоиздир. Улар яратган ижодий намуналари билан халқимиз дилидан ва мусиқа меросимиз таркибидан муносиб жой олишга эришган давримизнинг устоз бастакорларидирлар. Уларнинг бизга қолдирган мусиқий мероси биз учун ҳар томонлама қадри ва келажак авлод учун намунадир. Узоқ ўтмишдан миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, руҳиятимиз

асосида шакланган маънавиятимизни муносиб замонавий давомчилари десак адашмаган бўламиз. Замондош баста-корларимиз, аввало билимдон, миллий мерос анъаналарини яхши идроклаган, шеърят ва муסיқа илмидан хабардор бўлганлар. Шу боис улар томонидан яратилган асарлар ҳар томонлама мукамал ва халқимиз руҳиятини инъикос этувчи миллий оҳанглар мажмуидан ташкил топган. Баста-корларимизнинг муסיқий меросида нафақат янги муסיқий намуналар яратиш, балки ўтмиш ижодкорларининг турли амалларига савтлар боғлаш, муסיқий туркумларни янги қисмлар билан тўлдириш каби мумтоз анъаналар ҳам ўз ифодасини топган.

Устоз санъаткор Орифхон Ҳотамов ҳам атоқли баста-корларнинг анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган ижодкордир. Халқимизга ўнлаб юзлаб мумтоз йўлдаги асарлар яратиб тақдим этган, ижрочилик амалиётида эса устозлар анъанасидан келиб чиқиб муайян ижро услубига эга бўлишга эришган. Ижоди жараёнида эллика яқин ўтмиш ва ҳозирги замон форсий ҳамда туркийзабон шоирларнинг ғазал, рубоий ва шеърларига мурожаат этган. Айниқса, Алишер Навоий, Махтумқули, Яссавий, Машраб, Хазиний, Лутфий, Оаҳий, Ҳувайдо, С. Абдулло, Салоҳий каби ғазал бўстони намоеңдаларининг асарларига О. Ҳотамов қайта-қайта мурожаат этганининг гувоҳимиз.

Бастакорнинг ижодида замондоши, сафдоши, дўсти ҳамда устози бўлган Чустий домланинг ижодий намуналари алоҳида аҳамият касб этган.

Набихон Хўжаев Чустий домла, мутафаккир шоир, ғазал бўстониининг султони Алишер Навоий бошлаб сарбонлик қилган ўзбек ғазалиётидаги бетакрор бир сиймо. Ўзбек ғазал ижодиётидаги забардаст намояндалар — Собир Абдулло, Ҳабибий, Чархий домлалар қаторидан жой олган XX аср ўзбек шеърятининг ёрқин намояндаси — сўз санъаткоридир. У киши ўзининг халқона ва бетакрор ижодиёти билан маънавий меросимизга улкан ҳисса қўшган, ғазалнавис шоирлар анъаналарини XX асрда давом эттиришга муяссар бўлган камтарин инсондир. Домланинг ижодларидан баҳраманда бўлмаган инсонни ўзини топиш анча мушкул. Айниқса, ҳофизу-бастакорлар орасида шоир ғазалларини куйламаган ёки куй басталамаган ижодкорлар бўлмаса керак. Чунки, Чустийнинг ҳар бир ғазалида гўёки, муסיқий оҳанг муҳассамланган. Ғазални қироат билан ўқишингизни ўзида яширинган оҳанг ўзини намоең этади. Шу боис шоир ижо-

диётига ёш ва кекса авлод намояндалари мунтазам мурожаат этадилар.

Бастакор ҳозиргача Чустийнинг 30 дан ортиқ ғазал ва рубоийларига муסיқа басталаган. Чустий домланинг сирли оҳанглар билан сугорилган ғазалларини мавзудан келиб чиққан ҳолда, мумтозона услуб асосида, анъанавий ҳусу-сиятлар доирасида ҳофизлар ижролари учун мослаб ашулалар битган. Ватанпарварлик, инсонийлик, дўстлик, меҳр-муҳаббат, самимийлик ва олийжаноблик каби мавзуларга хос ғазаллар ўзига хос муסיқий оҳанглар тарафларида ўзгача тароватини топган.

Сизга тақдим этилаётган тўплам ана шу икки атоқли намоеңдаларнинг ижодий мросини уйғунлашуви натижа-сида юзага келган сўнмас асарлар мажмуидан иборат. Яъни, замонамизнинг оаҳон бастакори Орифхон Ҳотамовнинг атоқли шоир Чустий домла ғазаллари асосида яратган мумтоз ашулалар тўпламидир. Шу билан бирга китобхон, ижодкорнинг ҳаёти, ижоди, фаолияти, устозлари ва шогирдлари ҳақида баён этилган маълумотлар билан танишишлари мумкин.

Тўплам ўзига хос икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида, бастакорнинг ҳаёти ва кўп йиллик самарали ижоди, замонамизнинг устоз санъаткорлари билан ҳамкорлиги баён этилган. Шу даврда юзага келган воҳалар аро маданий алоқалар, уларга хос муайян жанрларнинг кенг оммалашуви хусусида ҳам айрим маълумотлардан санъатсеварлар баҳраманда бўлишлари мумкин. Қолаверса, бастакорнинг Ўзбекистон давлат радиоси «олтин фонди»га турли ҳофизлар ижросида ёзилган асарларининг рўйхати келтирилган. Шу билан бирга бастакор ижодининг илк нота намуналари ўз ифодасини тошган. Ўйлаймизки, бу келажақдаги катта-катта ишлар учун дебоча бўлиб қолади. Чунки, ундаги 16 муסיқий намуна, мумтоз ашула ижодиётимизнинг ёрқин намуналари сифатида замонавий ижрочилик амалиётида танилган. Ўрта ва олий ўқув тизимларида, анъанавий хонандалар ва ҳофизлик амалиётини ўзлаштираётган санъаткорлар учун қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тўпламни ёзишда маълумотларини аямаган устоз, бастакор Орифхон Ҳотамов ва чоп этишда яқиндан ёрдам берган устознинг шогирди Бекназар Дўстмуродовга самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Орифхон Ҳотамов

I. Ҳаёти

Орифхон Ҳотамов — моҳир созанда, анъанавий ашула ижрочилиги амалиётида ўзига хос ижро услубини яратган забардаст хонанда — Ўзбекистон халқ ҳофизининг са-марали ижоди билан маданиятимиз равнақига катта ҳисса қўшган улкан бастакор, ўтмиш устозларимиз анъаналарини яхши идроклаган, баркамол ёшларни тарбиялаган меҳрибон устоздир.

Бўлғуси бастакор 1925 йили Жиззах шаҳрининг марка-зида, эшон авлодларининг намоёндаларидан бўлмиш Ҳотам-хон ака Неъматов хонадонига таваллуд тошган. Ҳотам ака оиласи 1936 йили Тошкент вилоятининг Янги йўл шаҳрига кўчиб келади. Ушбу гўшада бир йилдан кўпроқ муддат ис-тикомат қилиб, 1938 йили Тошкентга кўчишади.

Орифхон Ҳотамов 1944 йилгача ўрта мактабда бошланғич маълумот олади. Шулар қаторида мусиқага жуда қизиқади. Бу иштиёқ ёш истеъдодни мактаб тўғралиги етаклайди. Қисқа вақт ичида най ва скрипка¹ чалишни пухта ўзлашти-риб олади. 1945 йили эса Ўзбек давлат филармониясига ишга ўтади. Ушбу даргоҳнинг турли концерт бригадаларида 5 йил давомида ўз замонасининг забардаст устоз-созандалари билан биргаликда фаолият кўрсатади. 1950 йили Ҳамза но-мидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртига ўқишга кира-ди. Бу даргоҳда 4 йил устоз-созанда З. Қодиров синфида гижжак ижрочилигидан сабоқ олади. Орифхон Ҳотамов би-лим юртида ўқиш билан бирга ижрочилик фаолиятини давом эттиради. Айниқса, Жўраҳон Султонов билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди. 1954 йили билим юртини муваффақиятли битириб икки йил мактаб тўғрақларида болаларга мусиқа сирларини ўргатади. 1956 йили Ўзбекистон Давлат радиоси қошида ташкил этилган, Дони Зокиров раҳбарлигидаги ўз-

¹Халқ созандалари, одатда табиатларига мос тушадиган ва мукаммал даражадаги (иқлим шароитига чидамли) чолғулардан фойдаланганлар. Камонли чолғулар асосида «скрипка» сони қулайлиги ва соз ушлашга ҳам чидамлилиги сабабли шу чолғу созан-далар орасида оммалашган.

бек халқ чолғу оркестрига сато чолғучиси сифатида ишга қабул қилинди. 1959 йили радио қошида кекса санъат-корлардан ташкил тошган мусиқий этнографик ансамбль ташкил этилди. Ансамблнинг раҳбари — таниқли созанда ва бастакор Ғанижон Тошматов бўлиб Орифхон Ҳотамов ҳам таклиф этилди.

Устознинг Ўзбекистон радиосидаги фаолияти 1976 йилдан бошлаб мақомчилар ансамблида давом эттирилади. Айни пайтда Орифхон Ҳотамов ансамблда маслаҳатчи си-фатида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Бундан ташқари устозлик ва жамоатчилик ишларида ҳам ҳормай — толмай қатнашиб келмоқда. 1989 йилдан 1999 йилгача М. Уйғур но-мидаги театр ва рассомчилик институтида доцент лавозимида талабаларга анъанавий хонадаллик бўйича сабоқ берди. Бир қатор Республика миқёсидаги ёш мақом ижрочилари тан-ловларида ёшларни баҳолашда ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этиб келмоқда. 1986 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг аъзолигига қабул қилинган. 1990 йилдан Радио бадий кенгашининг аъзоси.

Орифхон Ҳотамовнинг ўзбек маданиятини ривожидидаги самарали меҳнатлари Давлатимиз томонидан муносиб ба-ҳоланиб, 1987 йили «Меҳнат фахрийси» ордени, 1989 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1993 йили Ўзбекис-тон халқ ҳофизининг, 1997 йили « Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Оилали, ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери Муҳаббатхон ая билан мазмуни ва бахтли ҳаёт кечирмоқдалар. 10 фар-зандлари бор — 6 қиз ва 4 ўғил. Ўғиллари Исмоилхон, Му-ҳаммадхон ва Неъматхонлар ота касбини эгаллашган. Улар ҳам падари бузруквори ижро услубида хониш қилишади.

Забардаст устоз яқинда 75 баҳорни қарши олди. Унга сиҳат — саломатлик, хотиржамлик ила устозлик гаштини суриб юришида узоқ умр тилаймиз.

II. Ижодий фаолияти.

Маълумки, халқимизнинг маънавий бойлиги ҳисоблан-миш мақомлар, мумтоз мусиқа мероси, ўтмиш бастакорла-рининг ижодий маҳсулидир. Бу анъанани ҳозиргача муносиб давом этиб келаётганини шохиди бўлар эканмиз, унинг за-минидида ўзига хос ижрочилик ва ижодий омилар мавжуд—

лигини кўрамиз. Ҳар бир етук бастакор эса, ана шу ижодий ва амалий жараёни ўташи ва халқ имтиҳонидан ўтиши тақозо этилади. Ўтмиш анъаналарига кўра бастакор мусан-нифлик, мулаҳҳинлик, нағманавозлик, нағмаовозлик, нағмапардозлик, нағмасозлик каби устозона услубларидан воқиф бўлиши тақозо этилади. Шу билан бирга, мусиқий мерос ва миллий анъаналарни асосли идроклаши, намоёндага ижод сархатларини очади. Истеъдодига мувофиқ мусиқий оҳанглар боғлашида эса, бастакорлик амалларини сиру си-ноатлари англана бошланади.

Орифхон Ҳотамовнинг ижрочилик фаолияти ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида бошланган. Ёш мусиқа шайдоси миллий чолғулардан най, скрипка, танбур созлари ижроларига қизиқиб, секин аста ўзлаштиради. Авваламга, най созандаси сифатида ишлайди. 1944 йили Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрига ишга келган пайтда скрипкачи сифатида ишга олинади. Уша даврда театрнинг таниқли арбоб, санъаткорларнинг устози Тўхтасин Жалилов ансамблга раҳбар эди. Салоҳиддин Тўхтасинов ансамблда скрипка чалар эди. Орифхон Ҳотамов айнан Салоҳиддин Тўхтасинов маслаҳати билан («...найчилар кўп-ку, скрипка чалаверганингиз маъқул...») скрипка чалишга ўтган. Бу вақтда театрга замонанинг энг етук устозлари жалб этилган эди. Халқ Ҳофизлари Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, атоқли созанда ва бастакор Фанижон Тошмағов ва бошқалари фаолият кўрсатар эдилар. Уларнинг устозона ижролари элда машҳур бўлиб, Орифхон Ҳотамовга ҳам ан-чадан бери орзу қилиб келган дамлар етиб келди. Чунки, устозлар ховишларини эшитиб, маҳлиё бўлиб юрган вақтлар эди. Энди эса уларнинг қаторига ўзи созанда сифатида қўшилди. Бу давр Орифхон Ҳотамов учун нафақат иш фао-лияти, балки устоз-шогирд, яъни мактаб давридеб ҳам аташ мумкин. Чунки, айна кучга тўлган, илмга чанқоқ пайтида устозларнинг ёнарда созандалик қилиб, Фарғона-Тошкент ижро йўлларини кунт билан ўзлаштиради.

1945 йили Ўзбек Давлат филармониясига ишга ўтади. Ўзбекистоннинг йирик концерт ташкилотларидан бири бўлган бу жамоага Муҳиддин Қориёқубов раҳбарлик қилар эди. Орифхон Ҳотамов шу ташкилотнинг халқ ҳофизи Турғун Каримов раҳбарлигидаги концерт бригадасига скрипкачи созанда сифатида ишга қабул қилинди. Жамоада Исоқжон Қодиров (найчи), Давлат Охун (даторчи), Аюб Қодиров (танбурчи), Эргаш Шукуруллаев (рубобчи) каби бир қатор созандалар фаолият кўрсатардилар. Қолаверса, кон-

церт бригадаси билан Ўзбекистоннинг турли воҳаларида гастрол концертларини ўтказар эдилар. Шу зайл 50-йилгача Орифхон Ҳотамов бу даргоҳда ўзбек санъатининг етук на-моёндалари билан бирга ишлади.

Мана шу қисқа ўтган вақт Орифхон Ҳотамовнинг ижрочилик фаолиятида, хонанда сифатида шаклланиши ва ўзбек мусиқа мероси анъаналарини ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этди. Бу эса, хонандаликдаги муайян ижро йўлини танлашда асосий мезон вазифасини ўтади. Зотан, мустақил ижод услуби шаклланишида барча воҳалар му-сиқий анъаналарини билиш муҳим омиллардан ҳисобланади. Устоз санъаткорлар Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Карим Исмоилов каби хоразмлик санъаткорлардан олган сабоги ва ҳамкорлиги Орифхон Ҳотамовнинг ижодий фао-лиятини бойитди.

1946 йил, жамоанинг Хоразм воҳаси бўйлаб концерт-гастрол сафарига юрган пайт. Ушбу воҳага характерли су-воралар, Махтумқули сўзи билан айтиладиган қаландар йўлларидаги ашулалар, дostonлар ижролари, яъни баҳши-чилик санъати йўлларига мансуб қўшиқ-ашулаларни Ко-милжон Отаниёзов ва Каримжон Исмоиловлар меёрига ет-казиб ижро этишлари бу жанрларни халқ орасида кенг ом-малаштиришига сабаб бўлди. Концерт гастроллари баҳонасида Орифхон Ҳотамов устозлардан имкон даражасида сувора ва дoston йўлларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади ва мусиқий меросга нисбатан ўз билимини мустаҳкамлайди.

Тошкент ва Фарғона водийсида эса, бу ижро йўллари интилиги сабабли тингловчиларга қизиқарли эди. Шунга хос талаб даражаси ҳам катта бўлган. Балким, бунга дoston ижро йўллари ва сувораларнинг шўх характери, ўйноқчилиги сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Бу билан Орифхон Ҳотамов ўз ҳамнафаслари билан Хоразм воҳасига хос куй ва ашу-лаларни Фарғона-Тошкент воҳаларида оммалаштиришига ўз ҳиссасини қўшган. Чунки XIX аср ўрталаридан бошлаб Фарғона-Тошкентда ҳам хоразм воҳасига хос «Фарғона Эшвойи», «Курд эшвойи», «Қўшчинор», «Илғор» ва «Сувора» каби асарлар яратила бошланган. Жумладан, «Тошкент су-вораси» фикримизга ёрқин далил бўла олади. Хоразм дoston йўлларини эса, фарғона водийси ижро йўллари билан бойи-тиб ижро этиш анъанага кириб келди.

Ижрочилик амалиётида созандалик ва хонандалик сирларини устоз-шогирд сабоги асосида эгаллаган Орифхон Ҳотамов, ўз билимини мустаҳкамлаш мақсадида 1950-54 йиллари, Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим

юртида ўқиди. Ўқиш даврида, ундан кейин икки йил мо-
байнида ўрта мактаб ва фабрикалар қошидаги мусиқа тўга-
рақларида ишлайди. 1957 йили Радио қошидаги ўзбек халқ
чолғулари оркестрига саточи созанда сифатида ишга таклиф
этилади. Икки йил давомида, оркестр жамоасида фаолият
кўрсатиш билан бирга устоз Дони Зокиров сабоғидан баҳ-
раманд бўлади.

1959 йили таниқли устоз Фанижон Тошматов этно-
график ансамбл тузади. Ансамблга бир қатор кекса халқ
созандалари таклиф этилиб, Орифхон Ҳотамов ҳам танбурчи
созанда бўлиб ишга олинган. Фанижон ака раҳбарлигида уш
бу ансамбл Фарғона-Тошкент йўлларига мансуб бир қатор
чолғу йўлларидаги асарларни — фарғона сурнай йўлларини,
кекса халқ бастакорлари яратган асарларни қайта тиклаш
хусусида фаолият олиб бордилар. Бир қатор асарларни радио
фондига ёзиб қолдирдилар. Орифхон Ҳотамовнинг шу дав-
рдаги устоз санъаткор Жўраҳон Султонов билан ҳамкорлиги
унинг ижодига катта самара берди. 100 дан ортиқ мумтоз
асарлар яратиш шогирдларига ўргатди ва ўз ҳамнафаслари
билан бирга ижро этиб «олтин фонд»га ёздирди. Айниқса,
Янгиқўрғонлик (Фарғона вилояти Қўқон шаҳрига қарашли
туман) хушовоз хонанда, устоз-санъаткор Расулқори Ма-
мадалиев билан қилинган ҳамкорлик, устоз-шогирдлик
Орифхон Ҳотамов фаолиятида алоҳида муҳрланиб қолади.
Бастакорнинг 50 га яқин асарлари Расулқори Мамадалиев
талқинида ўзгача жозиба топади. Унинг асарларини халқ
орасида янада оммалаштиришга сабаб бўлади.

Орифхон Ҳотамов иш фаолиятини 1976 йилдан бошлаб
ҳозирги давргача Ю.Ражабий номидаги мақом ансамблида
давом эттириб келмоқда.

80—90—йилларда устоз (маслаҳатчи) ўзига хос раҳнамо
сифатида ишни давом эттириб, фаолиятни кўпроқ шогирдлар
тарбиялашга қаратди. Доимий тарзда ёш истеъдодли хо-
физларга устозлик қилиб келмоқда. Шу билан бирга 1989—
99 йиллар орасида М.Уйғур номидаги санъат институтининг
мусиқали драма факультетида талабаларга анъанавий мусиқа
меросидан сабоқ берди. Айни пайтда шогирдлар даврасида
ва мақом ансамблида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

III. Устозлар

«... Яхши хонанда бир неча устоз сабоғини
олади. Уларни орасидан биттаси, албатта
ижоди учун намуна бўлиши муқаррар...»
Ж.Султонов.

«... Устозлар хусусида энг омадли санъаткор бўлсам ке-
рак...» — дейди устоз санъаткор. Дарҳақиқат ҳам шундай.
Орифхон Ҳотамовнинг санъатдаги илк фаолияти, кўплаб
санъаткорларнинг устози Тўхтасин Жалилов раҳбарлиги
остида бошланган. Ушбу дароҳда ўз замонасининг баркамол
созандаю хонандалари, етук ҳофизлари йиғилган давр.
Мамагбува Сатторов, Жўраҳон Султонов, Муҳиддин Қори-
ёқубов, Маъмуржон Узоқов, Ҳожихон Болтаев, Фанижон
Тошматов, Т.Каримов, Қоғмижон Отаниёзов, Маъруфхўжа
Баҳодировлар шулар жумласидан. Орифхон Ҳотамовнинг
санъатини кўзгулари бўлиши бу устозлар билан кадр-
донлиги, устоз-шогирдлик, ижодий ҳамкорлиги бўлган.
Зеро, устоз-шогирдлик анъанаси мумтоз маданиятимизнинг
азалдан шаклланиб ривож топишида, асрлар оша авлоддан-
авлодга ўтишидаги муҳим омили бўлган. Шу боис ҳам етуклик
даражасини ишрол эта оладиган санъаткор буюк, билимдон
устозларнинг сабоғига интилади.

Устоз санъаткор Орифхон Ҳотамовга 1946—49 йиллари
Хоразм воҳасига уюштирилган концерт гастроллари улкан
маънавий ҳаёт бахш этди. Бунинг замирида, эндигина хо-
надалик фаолияти шаклланаётган хофизнинг Хоразм воҳа-
сининг устоз санъаткори Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон
Болтаев каби билимдонлари, мумтоз мусиқа устунларининг
анъанасини ўзига хос халқчил йўлда давом эттиришга
эришган Қоғмижон Отаниёзовдан олган сабоқлари му-
жассам топган.

Қоғмижон ака устозлар йўларини ўрганиб унга нис-
батан жўшқинроқ, ўйноқироқ куйларга қайта жон бағишлаб
ўзига омабон бир услуб яратди. Орифхон Ҳотамов ҳам бу
йўлларга қизиқиб Қоғмижон устадан кўп намуналар ўр-
ганди. Қоғмижон аканинг шогирдларидан бирига айланди.
Тошкентда, Фарғона водийсида хоразм ашулаларини ом-
малаштиришга сабабчилардан бири бўлди.

Орифхон Ҳотамовнинг Хоразмлик устозларидан яна
бири машҳур мақомдон устоз Ҳожихон Болтаевдир. Ориф-
хон Ҳотамов Хоразмга концерт баҳонасида борган пайтла-

рида бир неча санъат усталари билан танишган. Уларни ўзига хос ижрочилик йўллари хонаданнинг катта қизиқиш билан ёндошишига сабаб бўлади. Комилжон Отаниёзов билан Карим Исмоиловларни жўрновозлиги ҳам, яккахонлиги ҳам беқиёс эди. Уларни ижросига ҳаваси келиб кунларнинг бирида Жўрахон Султоновга — «Жуда яхши айтadиган жўрновоз хонадалар бўлишибди» — десалар, Жўрахон ака — «Ҳа... булар ҳам яхши — ю, сен Ҳожихонни кўрмагансанда» — деб жавоб қилган экан.

Шундан сўнг Ҳожихон устоз билан учрашиш иштиёки кўнгилни бир чеккасида фурсат пойлагандай, шу дамга интизор эди. Учрашув — танишув дамлари насиб этган пайтда билдики, бу инсон бўлак олам экан. Бу дийдор икки дилнинг бир бирига муштоқ эканлигини кўрсатиб, бир неча йиллик бўлажак устоз — шогирдлигу — дўстлик ришталарини боғлади. Кўп йиллик мулоқот бир қатор асарларни яратилишига, воҳаларнинг мусий муштараклиги, яъни бир — бирига таъсири натижасидаги янгиликлар юзага келишига сабаб бўлди.

Ҳожихон Болтаев ҳақида Орифхон Ҳотамов эслайдилар: «...Ҳожихон уста Хоразм санъатининг танаси дейилса ҳам арзийдиган ашўлачи. Ҳожихон билан Шерозий каби устозлар бу воҳанинг асосий манбаи ҳисобланади. Кейингилар эса, уларга эргашганлар десак ҳам бўлади. Уларни муносиб ўрганиб ёшларга ўргатиш биз шогирдларни ишимиз.»

Улар ўзбек Давлат филармониясида ишлаб юрган пайтлар, Жўрахон Султоновнинг тақлифларига биноан Фарғона водийсида ижодий ва хизмат сафарларида кўп қатнашишга муяссар бўлдилар. Хизмат ўз йўлида — ю, катта ашула ижрочилигининг моҳир усталаридан Маматбува Сатторов билан танишув Орифхон Ҳотамов ижодида алоҳида аҳамият касб этди. Фарғона водийсининг бу ўзига хос жанрини Маматбува Сатторовнинг ўғитлари асосида идроклади. Фарғона воҳасига хос ижрочилик йўллари, гижжак ижро услуби машҳур созанда Фанижон Тошматовнинг ижро йўли ўрناق бўлди. Фанижон Тошматов билан 1944 йилдан бошлаб бирга ёнма — ён фаолият кўрсатган Орифхон Ҳотамов устознинг ижро йўллари эгаллашга муваффақ бўлди. Фанижон Тошматов Фарғона чолғу йўлларига мансуб асарларни билимдони эди. Шогирдларига эса шу йўллари мунтазам тарзда ўргатиш одатлари бор эди. Бу ҳам устозлик анъаналарининг бир услубидир.

Хонадалик мусиқа санъатининг етакчи соҳалари — дандир. Ўзга касбларга нисбатан, унда табиий жараён, истеъдод, овоз, билим, илм, тажриба каби қатор унсурлар му-

жасам топиши лозим. Улар бўлган тақдирда ҳам, талқин маҳорати хофизликнинг асосий мезони ҳисобланади. Орифхон Ҳотамов ёшлигидан Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовларнинг хонишига меҳри баланд эди. 1944 йили Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида уларнинг жамоасига ишга қабул қилинган пайтдан бошлаб устозлар даврасига кириб келди. Қарийб чорак асрдан кўпроқ давр Жўрахон Султоновнинг беминнат устозлигида аввалига созандалик, сўнгра хонадалик, ижоди давомида эса бастакорлик сирларини ўзлаштирди. Ҳаёт карвонида ҳам устоз — шогирд, ҳам жўрновоз ва жўрновоз бўлдилар. Шу боис Орифхон Ҳотамовнинг хонишида ва ижодларида Жўрахон Султоновнинг ижро услуби асос ҳисобланади.

Фарғона водийси ижрочилик анъаналарида Қўқон ижро мактаби ҳам муҳим ўрин тутади. Айниқса, Эрка Қори Каримов ва Содирхон Ҳофиз мероси алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, халқ ҳар бир хонанда, созанда ёки бастакорни ўзи шарафлайди, ардоқлайди ва номини тилларда дoston қилади. Ижодкорнинг номи ўз — ўзидан халқ тилида уни яратган асарларига уланади. Орифхон Ҳотамов Содирхон Ҳофиз ижро йўллари ва асарларини икки халқ хофизи Маъруф — хўжа Баҳодиров раҳнамолигида ўзлаштиради.

Одатда, ижод чуқур билимга эга бўлишни талаб этади. Чуқур билимнинг манбаи, анъанавий мусиқамизнинг дарғалари бўлиш устоз санъаткорлар ҳисобланади. Замо — намизнинг бетакрор санъат усталари сабоғини олиб, улар билан ҳамкорлик қилган Орифхон Ҳотамов, шундай эслайди: «...Кўп устозлар билан, бир неча йил бирга елкадош бўлдик. Ўқидик ўргандик, бирга созавозлигу қўшовозлик қилдик. Маматбува Сатторов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ҳожихон Болтаев, Фанижон Тошматов, Маъруфхўжа Баҳодиров, каби санъат дарғалари менинг устозларимдир. Аввало, асосий устозим Жўрахон Султоновдир, буюк инсон Ҳожихон Болтаевни кейинги устозим деб биламан. Уларнинг кўп нарсалари бизга ва келажак авлодга мерос бўлиб қолди. Биз шогирдлар жойи келганда уларни нарсаларидан айтамыз. Йўли, овози тўғри келса шогирдларга ўргатамыз. Мақсадим, ўтмиш устозлар номларини ҳозирги янги авлод ва келгуси авлод эшитиб баҳра олса, ёддан чиқармаса, чиройли бўлади деган умидим бор. Уларни ҳаммаларини яратганининг ўзи раҳматига олган бўлсин.

IV. Ҳофизлик

Ҳофизлик кенг тушунча. Мусиқада эса хонандалик — ижрочилик санъатининг етакчи жабҳаларидан деб қайд этдик. Албатта, хонандалик амалиётида етукликка эришиш учун лозим бўлган барча омиллар жамланган. Унга эришиш эса саноқли ҳофизларга насиб этади. Шу боис кичик бир касбнинг улкан муаммоларини забт этиш барчага ҳам насиб этавермайди. Бунга эришганларини номи эса халқ тилида дostonдир.

Орифхон Ҳотамов ҳам ёшлигидан моҳир хонандалар Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар хонишларига жуда меҳр қўйган эди. Ўзида эса куйлашга истезода, овоз ва имконият мавжуд бўлса — да, созандалик касби билан ушбу санъаткорлар даврасига кириб келади. 1944 йил Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов ва Ганижон Тошматовларни бирга жўровозу жўрнавоз бўлиб юрган пайтлари. Тошкентда «Феруз», «Сувора», «Абдурахмонбеги», «Ёлғиз» каби кўплаб Фарғона ва Хоразм йўлларига мансуб ашулаларни меъёрига етказиб куйлашарди. Орифхон Ҳотамов уларни ёнида созанда бўлиб қўшилишиб юра бошлади. Кўп ўтмай устозларнинг хонишлари ёш созанда қалбидаги хонандалик меҳр гулханини ёқди. Ашула айтишга жазм этолмай юрган Орифхон Ҳотамов устозлар йўлидан юриб уларнинг сабоғини олди. Ўз овоз хусусиятига мос жўрнавоз Саидалихўжа Қудратов билан бирга хонандалик қила бошлади. Уларнинг хонандалик фаолиятини мустаҳкам шаклланишига аввало Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқовларнинг раҳнамолиги бўлса, иккинчидан Турғун Каримов раҳбарлигидаги концерт бригадаси билан Хоразмга қилинган ижодий сафар бўлди. Хоразм бахшичилик санъати ижрочилигига хос енгил уфур йўлларини эгаллаш ҳар томонлама осон. Шу билан бирга, насиҳатомуз ашулалар ҳам Хоразм ижрочилигида алоҳида ўрин тутди. Айниқса, сувора, насиҳатомуз ашулалар халқ томонидан қизгин қабул қилинар эди. Балким, бунга дoston куйларининг жўшқин, ўйнақилиги билан бирга асарнинг муайян бадиий мавзуга эга эканлиги ва кўп ҳолларда таъсирчан воқеалар тасвирланганлиги сабаб бўлса ажаб эмас. Масалан: «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам» дostonидан «Болама ўхшайди овозинг сани» қўшиғи, «Айрилма», «Ўлмаса», «Ҳануз» ва ҳ.к. Водийнинг Таваккал Қодиров, Раулқори Мамадалиев каби оташнафас ҳофизлари бу намуналарни тезда ўзлаштиришга эришдилар. Хоразм ижро на-

муналарини Фарғона — Тошкент воҳасида оммалашишига устоз Комилжон Отаниёзовнинг ҳисаси катта.

50 — йилларда Орифхон Ҳотамовнинг Сайдалихўжа Қудратов билан ҳамнафаслик даврида, устоз Жўраҳон Султонов уларни Марғилонга, ижодий сафарга тез — тез олиб кетар эдилар. Айниқса, ўқишдан таътил берган вақтда, 2 — 3 ой қолиб, Олтиариқ, Қўқон, Янгиқўрғон каби Фарғона водийсининг шаҳар — қишлоқларида уста билан халқ анжуманлари, тўй — тамошаларида ёнма — ён хизматда бўлиб қайтишарди. Бу даврда Орифхон Ҳотамов созанда ва хонанда сифатида фаолият кўрсатар эди. Хонандаликни жўровозлик услубида аввало, устоз ёнида ёрдамчи ҳамнафас сифатида ашулаларга қўшилиб турса, давранинг қизгин пайтида Сайдалихўжа Қудратов билан бирга шўх яллалар айтишар эди. Улар кўп — роқ Фарғона — Тошкент ижро йўлларига мансуб «Чоргоҳлар», «Баётлар», «Эшвой», «Бозургоний» каби қатор асарларни биргаликда айтишар эди.

50 — йилларнинг ўрталарида устоз билан ҳамкорлик Тошкентда давом этади. Хонандаликдаги ҳамнафаслик ижодий жараён билан бирга олиб борила бошланади. Орифхон Ҳотамов уста ижодининг биринчи тингловчисига айланади. Ва ўз ўрнида яратган янги асарларини устозга кўрсатар эди. Керакли маслаҳатлар олингандан сўнг ижро этишга жазм этиларди. Жўраҳон Султонов билан ҳамнафасликда кўпроқ «Чоргоҳ»лар, «Дугоҳ»лар каби Фарғона — Тошкент мақом йўлларига мансуб ашулалар айтиш билан бирга водийга хос ёввойи йўлдаги ашулаларни ҳам ижро этишарди. Жумладан: «Ёввойи Чоргоҳ», «Оҳ ким», «Ўзбекистонда», «Дайди тано — вар», «Бўлмиш» ва ҳ.к.


Бу даврга келиб Тошкентда ҳам ўзига хос ижрочилик йўллари шаклланиб, ҳар бир ижро услубининг намояндалари ва уларни қатор шоғирдлари юзага келди. Машҳур санъаткорлар Шоқосим ва Шоолим Шожалиловлар услуби, Акмалхон ва Бобохон Сўфихоновлар услуби шулар жумла — сидондир. 1965 йилгача Орифхон Ҳотамов ҳам Жўраҳон Султонов ҳамкорлигида, ўз йўлида эса хушовоз хонанда Ҳакимжон Файзиев билан жўровоз бўлиб ҳамкорликда ижод қилиб юрдилар. 100га яқин мусиқий намуналарни радио фондига ёздиришга эришдилар.

Ҳар бир ижро услубларини ўрганиб ва мусиқа мероси — мизни идроклаган ҳолда Орифхон Ҳотамов хонандаликдаги ўзига мос ижро йўлини шакллантира бошлайди. Орифхон Ҳотамовнинг ижрочилик омилларидаги катта ашула таркиби ва ривожланиш тамойиллари (Жўраҳон Султонов ижоди

намунасида), водий анъанасига хос мулойим, шиддат ўзини намоён эта бошлайди. Аввало, ушбу, хусусиятлар Орифхон Ҳотамовнинг хонандалик талқинида шаклланиб етади ва хайрихоҳ шогирдлар, издошлар ҳам тарбиялана бошлайди — лар. Иккинчидан, шу даврга келиб Орифхон Ҳотамовнинг бастакорлик ижоди ва устозлик фаолияти муайян тизимга тушган ва маълум даражада ижодий муваффақиятларга эришишга муяссар бўлган эди.

Орифхон Ҳотамовнинг хонандалик фаолияти охири 20 йил ичида ҳам самарали давом этиб келмоқда. Айниқса, кейинги йиллар ижодкор ҳаётида ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки, устознинг деярли 10 дан ортиқ шогирдлари шаклланиб, етук хонандалар қаторидан жой олдилар. Шулардан: ҳамнафаслари Туробжон Йўлдошев, Ахрорхон Хотамов, Исмоилхон Хотамов, Бекназар Дўстмуродов, Матлуба Дадабоева, Маҳбуба Ҳасанова, Маҳмуджон Йўлдошев каби хонандаларни мамнуният билан тилга олиш жоиздир.

Одатда, мумтоз хонандалик, санъаткорни билимли, илмли, дунёни атрофлича — кенг англашга, ҳозиржавоблигу зукколикка, бағрикенглигу буюкликка чорловчи касбдир. Ким ҳаётнинг шунга хос имтиҳонларидан муваффақиятли ўта олса, адабий ва мусиқий илмга — маънавий бойликка эга бўлса ва муносиб ижод эта олса, ижодининг камолотида ҳофизлик даражасига эришган ҳисобланади. Орифхон Ҳотамов ўз ижодий фаолияти мисолида ана шундай хусусиятларни шакллантира олган ва ўзбек мумтоз мусиқа ижрочилигида муайян ижро услубини яратиб, келажак учун муносиб асарлар ижод эта олган ҳофиз дейишга ҳақлимиз. Чунки, Орифхон Ҳотамов хонандалик талқини ҳофизлик ижро йўлларида алоҳида услуб даражасида шаклланди. Муайян асарлар, бир қатор шу услубда фаолият кўрсатаётган (шогирд) хонандалар бундай мухтасар фикр қилишга далолат беради. Ҳукуматимиз томонидан Орифхон Ҳотамовга «Ўзбекистон халқ Ҳофизи» фахрий унвони берилиши ҳам ҳақли равишда фикримизни яна бир бор қувватлайди.



Чапдан: Орифхон Ҳотамов, Жўрахон Султонов (халқ ҳофизи), Шоолим Шожалилов ва Маруфхўжа Баҳодиров (Тожикистон халқ ҳофизи).

V. Устозлик

Устозлик, қайси соҳада бўлмасин энг шарафли касб — лардан ҳисобланади. Шу боис, улар азалдан халқимиз томо — нидан ардоқланиб келинган. Чунки, келажақ авлоднинг ўз дунёқарашлари, тарихий билимлари, илмий савияси ва даврга нисбатан муносабатлари устозлар ўғитлари негизида шакллантирилади. Ҳар бир касб эгасининг келажақдаги мавқеи, унинг устозларидан олган билими тарбия жараёни ва шахсий интилишларига боғлиқдир. Унинг камолот даврида қайси йўналишдан бориши эса қобилияти доирасида шаклланади. Зотан, ҳар бир инсонда албатта, табиат инъом этган истеъдод мавжуд. Бу истеъдод кишининг бирор — бир ихтисосликни эгаллаб, фаолият олиб бориши жараёнида намоён бўлади. Яъни, тарбия берувчи — муаллимлик, амалиётчи, фан билан шуғулланувчи — тадқиқотчи, жамоатчи, сиёсатчи, назарийтчи ва ҳоказо. Касбнинг қайси бири бўл — масин жамият учун зарур ва кераклидир. Бу касбларни шакллантирувчи билим манбаи ва раҳнамоси бу — устоздир. Юқорида келтирганимиздек, устозларни улуғлаш ва ардоқлаш шундан эканлиги шубҳасиздир.

Орифхон Ҳотамов бутун фаолияти давомида ўндан ор — тик забардаст санъат намояндаларидан сабоқ олиб, ҳамкор — лик қилишга муваффақ бўлган. Ўз ўрнида, устозлар анъана — ларини ёшлигидан давом эттиришга эришган инсондир. Балким, бунга унинг устозларини ўзлари моҳир ижрочи, бастакор ва илм ўргатувчи санъаткор бўлганликлари сабаб — дир. Шу боис, Орифхон Ҳотамов ҳам ёшлигидан мусиқа ижод қилиб, шу билан бирга мусиқа меросимиз намуналаридан атрофидаги ўз ҳамкасбаларига ўргата бошлаган. Бу ҳақда Орифхон Ҳотамов шундай эслайдилар: «...Кўп йиллар давомида Тўхтасин Жалилов, Жўраҳон Султонов, Маъмур — жон Узоқов, Дони Зокиров, Саиджон Калонов, Фахриддин Содиқов, Шоқосим Шожалилов, Фанижон Тошматов каби устоз санъаткорлар билан ишладим. Улар менга ҳам устоз ҳам ҳамкордирлар. Мен ана шу буюк инсонлар ижодидан андоза олиб фаолият кўрсатишга, асарлар яратишга ҳаракат қилдим. Шогирдлар билан муносабат олиб бордим. Устозлик масаласида эса, филармонияда ишлаб юрган кезларимда, ўзимда ўргатиш қобилияти бор эканлигини сезиб, шуни жонлантирдим. Бунга нисбатан ўзимда қониқиш пайдо бўл —



Орифхон Ҳотамов шогирдлари билан: чапдан ўнгга биринчи қаторда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Маҳбуба Ҳасанова, Матлуба Дадабоева ва Насиба Сатторова; иккинчи қаторда хонандалар Бекназар Дўстмуродов ва Сойибжон Ниёзовлар.

ди. Ва қайси ишда ишласам ҳам шу касбга мойиллиги бор хонандаларга ўргатишни давом эттирдим...»²

Дарҳақиқат Орифхон Ҳотамовнинг устозлик фаолияти 1946 йилда Ўзбек Давлат филармониясида ишлаб юрган пайтлардан бошланган. Унинг биринчилар қаторида мусиқий меросимиз намуналаридан ўргатган ҳамкасбаларидан, таниқли хонандалар Зайнаб Полвонова (Дони Зокировнинг «Эй сабо» ва «Кўрмадим» асарларини), Коммуна Исмоилова (Хоразм дoston йўлларида «Болама ўхшайди овозинг сани», «Бари гал» ва «Курд») ва Ҳакимжон Файзиевлардир. Ҳакимжон Файзиев билан 25 йил мобайнида бирга ҳамнафаслик қилган. 100 дан ортиқ мумтоз йўлдаги мусиқий асарларни ўзлаштириб радио фондига ёзишга муваффақ бўлган. Жумладан: «Дугоҳ Ҳусайни», «Баёт»лар, «Насри Баёт», «Бозургоний», «Ёввойи Чоргоҳ», «Ёввойи тановар», «Хоразм Насруллоси», «Чаман ялла»; бастакорлар асарларидан: «Қашқарчаи Содирхон», «Содирхон синахирож», «Бормикан», «Айлаб» ва «Ул кун жонон» Ж.Султонов мусиқалари, «Дилраболардан» Расул қори Мамадалиев, «Догман» Комилжон Отаниёзов ва ҳ.к.

Шогирдларнинг орасида таниқли хонанда, бетакрор ижрочилиги билан элга танилган, оташнафас ҳофиз Расулқори Мамадалиевни алоҳида қайд этиш жоиздир. Одатда, шогирд, касбни устоздан ўрганади ва унга эргашади. Орифхон Ҳотамовнинг Расулқори Мамадалиев билан устоз-шогирддигининг ўзига хослиги бор. Қори, Орифхон Ҳотамов билан танишишдан олдин етук ҳофиз бўлган ва Орифхон Ҳотамовнинг айрим асарларини ўзлаштириб ижро этиб юрган. Шуниси таажжубки, бастакорнинг асарлари Расулқори Мамадалиев ижросида ўзгача талқинини топган. Яъни, ўз ижро услубига солиб талқин этган. Натижада, ҳар икки услуб уйғунлашиб янада жозибали ва мукаммал талқинини топган. Улар, адабиётимизнинг таниқли намояндаси Гофур Фуломнинг юбилей кечасида танишган эдилар. Бу воқеани Орифхон Ҳотамов шундай эслайдилар: «... Ғ.Фулом юбилейида бир ажойиб воқеа бўлди. Юбилейга Жўраҳон акалар Расулқорини ҳам олиб келишган экан. Мени шу даврда «Қоши ёсиму дейин» асарим радиого ёзилиб эфирга узатилган эди. Юбилей эртасига Жўраҳон ака менга — «Шу дегин, сен Қорига бир ашула ўргатибсан. Жуда ажойиб чиқибди — да» дедилар. Лекин, устоз анча — мунча хонандага «тан» бермаганлар. Чунки, у кишининг назарий илмлари

² Орифхон Ҳотамов билан суҳбатдан.

жуда бой эди. Яратилган асарнинг савиясини ва нуфузини баҳолаш учун чуқур билимга эга инсон эдилар. Бу асар эса, Қори томонидан жуда меёрига етказиб ижро этилган эди. Шундан кейин биз Қори билан бирга ижод қила бошладик. Бир қатор асарларни радиого ёздик. Расулқори санъати Тошкентда ҳам оммалашиб кетди. Янги айтган нарсаларимни у кичик «микрафони»да ёзиб олар эди. Кейинчалик бизнинг асар ёзсак бир — биримизга берадиган бўлдик. Шундан кейин бизнинг ўртамызда қатъий бир устоз — шогирдлик муносабати шаклланди. Мени 50 дан ортиқ асарларимни Расулқори айтар эди. Жуда кўп ашулаларни меёрига етказиб халққа манзур этган. Шогирдларим ичида Қори жуда ҳам инсофли ва мардонаси эди...»³. Охириги 20 йил давомида Орифхон Ҳотамов укаси Аҳрорхон ва ўғли Исмоилхонлар билан барга фаолиятни давом эттириб келмоқда.

Устозлик фаолияти 1989 — 99 йилларда 10 йил мобайнида мусиқали драма театрларига актёрлар тарбиялаб етиштирилган олийгоҳда талабаларга сабоқ бериш билан давом этди. Санъат институти талабаларига кўпроқ Фарғона — Тошкент мактаб йўллари, XX аср миллий бастакорларнинг асарларидан ўргатди. Чунки, асримизнинг 30 — йилларидан бошлаб, мусиқий мероснинг бир қатор намуналари бастакорлар томонидан мусиқали драмалар таркибида ижро этиш учун мослаштирилган. Бу асарлар мусиқали драма таркибида ўзига хос шакл ва услубда талқин этилган. Лекин, уларни тўғри ижро этиш учун анъанавий мусиқа меросимиз асосларидан маълум даражада билим талаб этилади. Шу нуқтаи назардан олганда Орифхон Ҳотамов талабаларга асосли таълим берган устоз дейишга ҳақлимиз.

Маълумки, ўз ижро услубини яратган хонанданинг давомчилари улғайса, дарҳақиқат буни услуб сифатида тушунилади. Агарда, авлод томонидан давом эттирилса мактаб даражасига эришиши ҳам муқаррар. Шу хусусда, биз Орифхон Ҳотамовнинг ижрочилиги услубини эгаллаб келаётган бир қатор хонандаларни қайд этишимиз лозим. Уларнинг қаторида давримизнинг етук хонандаларидан Бекназар Дўстмуродав, Матлуба Дадабоева, Маҳбуба Ҳасанова, Маҳмуджон Йўлдошевларни мисол қилиш мумкин. Орифхон Ҳотамов ўз шогирдларига нафақат яқка хонандалик сирларидан, балки ўзбек мусиқаси ижрочилиги амалиётида ўзига хос йўналиш ва тарихга эга бўлган жўровозлик

³ Орифхон Ҳотамов билан суҳбатдан.

амалларини ҳам ўргатиб келмоқда. Ўзбек ижрочилик амалиётида жўровоз бўлиб ижро этишнинг ўз тарихи бор.

Бу амалга асос солганлар Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлардир. Катта ашула ижрочилигида жўровозлик жанр талаби ва қондасида бор. Лекин, мақом йўлларидаги асарларни жўровозликда айтиш русуми йўқ эди. Улар бу амални бошлаб, халқ орасида манзур этдилар. Уларнинг ижро намуналари эса ҳалигача халқ орасида ва санъаткорлар орасида намунали ҳисобланади. Лекин ижрочилик амалиётида уларга эргашган хонандалар жуфтликлари ҳам кўп бўлган. Уларнинг орасида таниқли санъат намояндалари Ортиқхўжа Имомхўжаев билан Саттор Ярашев, Зокиржон Йўлдошев билан Эргаш Йўлдошев, Шоқосим ва Шоолим Шожалиловлар, Акмалхон ва Бобохон Сўфихоновлар, Расулқори Мамадалиев ва Камолиддин Ҳамроқуловлар, Фаттоҳхон Мамадалиев ва Одилжон Юсуповларнинг жўровозликдаги ижроларини алоҳида қайд этиш лозим.

Жўровозлик ҳам мураккаб жараён. Ҳар доим ҳам овозлар бир-бирига мутаносиб бўлавермайди. Қолаверса, жўровозлик ижрочилигида нафақат овоз, балки идрок ва талқин ҳам ижрочиларнинг бир-бирига хос бўлиши тақозо этилади. Юқорида номлари келтирилган хонандаларнинг барчалари атоқли санъаткорлардир. Шу билан бирга жўровозлик анъанасини давомчилари ҳисобланишади.

Ҳозирги даврда жўровозлик ижрочилигини Орифхон Ҳотамов ўз ҳамнафаслари билан давом эттириш билан бирга, бу ижро услубида қатор шоғирдлар етиштиришга ҳам эришдилар. Бекназар Дўстмуродов билан Сойиб Ниёзов, Матлуба Дадабоева билан Маҳбуба Ҳасановалар, Маҳмуджон Йўлдошев билан Хуршид Ҳасановлар, Бекназар Дўстмуродов билан Маҳбуба Ҳасановалар. Қолаверса, улар бир мактаб ижро услубини яхши идроклаганликлари сабабли турли жуфтлик тузиб ёки «уч овоз» бўлиб ҳам ижро этиш имкониятига эгадилар.

VI. Бастакорлик

Орифхон Ҳотамовнинг бастакорлик ижоди ҳам ўзига хос ва серқиррадир. Мумтоз мусиқа меросимиз, ўтмиш хонанда, созанда ва бастакорларининг ижодий маҳсули эканлиги барчага аён. Лекин, унинг заминидида ижодкорларнинг куй басталаш, пардозлаш, ўхшатиш, яъни савт боғлаш, сўз мослаштириш каби заргарона муносабат талаб амаллар мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим. Ижодида ана шундай амаллар мужассам топган ҳар қандай хонанда ё созандалар халқ бастакори деб саналган. XX асрда яшаб ижод этган Комилжон Жабборов, Жўраҳон Султонов, Фанижон Тошматов, Мухторжон Муртазов, Комилжон Отаниёзов каби санъаткорлар шулар жумласидандир.

Биз унинг ижодига назар солар эканмиз, кўз ўнгимизда ўтмиш бастакорлари анъаналарини давомчисини кўрамиз. Мусиқа ижодиётининг бастакорлик, оҳангпардозлик, куй ва ашулаларга мумтоз адабиётимиз намуналаридан қайта сўз мослаштириш, асарларни таркибий хусусиятлари доирасида туркумлаштириш, қайта тиклаш каби йўналишларидаги амалга оширилган ишлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Орифхон Ҳотамов ўзининг ярим асрдан ортиқ ижодий фаолиятида 500 дан кўпроқ куй ва ашулалар яратди. Бугун ижоди давомида Яссавий, У.Хайём, Саккокий, Лутфий, Набой, Бобур, Фузулий, Амирий, Нодира, Хазиний, Увайсий, Мунис, Огаҳий, Ҳувайдо, Муқимий, Машраб, Фурқат, Розий, Салоҳий, Рожий, Нисбат каби ўтмиш; Ҳабибий, С.Абдулла, Набихон Хўжаев (Чустий), С.Зуннунова, Зулфия, В.Саъдулла, Э.Охунова, Ҳ.Яҳёев, Нилуфар, П.Мумин, Т.Тўла, Носир Муҳаммад, Муҳаммад Али каби замондош шоирларнинг бадий меросларига мурожаат этилди. Бу асарларда Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат, миллий гурур, ота-оналаримизнинг қадри, севи ва муҳаббат каби мавзулар ўз аксини топган.

Одатда, мумтоз ижодиёт туташган жараёнларда ҳам мутаносиб уйғунлик касб этиши даркор. Шу боис, Орифхон Ҳотамов ўз ижодида кўпроқ газалиёт бўстониға мурожаат этган. Куй мажмуи эса савт, талқин, ушшоқ, қаландар ва зикр йўллариға характерли бўлган оҳанглар замирида яратилган ҳаракат қилинган. Зеро, бастакорлик амалиётида жанр масаласи, мавзу негизидида шаклланади ва ҳар бирининг ўз ички омиллари мавжуд. Бу омиллар, тузук, усул ва оҳанг бирликларида яширинган бўлиб, бастакорнинг ижодий ёндошиши орқали асар сифатида шаклланади.

Орифхон Ҳотамов бастакорлик ижодиёти давомида бир қатор муסיқий намуналарни таркибий тузилиши асосида туркумлаштириш мақсадида ҳам муайян ишларни амалга оширди. «Қаландарлар» ва «Гиря» туркумлари шулар жумласидандир. Ҳар икки асар туркуми ҳам жанрнинг шаклшамоили асосида тўпланган. Туркумлаштириш жараёнида эса, замондош бастакорларнинг асарлари ва ўз ижоди намуналари билан тўлдирилган.

